НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

# ХАЛҚАРО КОММУНИСТИК ҲАРАКАТ БИРЛИГИ

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин — буюк мутафаккир ва стратег, халқаро коммунистик, ишчилар ҳамда миллий озодлик ҳаракатининг доҳийси, буюк инқилобчи сифатида дунёнинг революцион тарзда ўзгаришига тенгсиз ҳисса қўшган, ғоявий ва синфий душманларга қарши принципиал кураш олиб борган донишманд сиймодир.

Ленинизм — XX асрнинг марксизми, халқаро пролетариатнинг қудратли назарий қуроли, ҳар томонлама ишлаб чиқилган идеологияси, революцион ҳаракатнинг ва революцион ғалабаларнинг программасидир.

Ўзининг бебаҳо асарлари ва кўп нутқларида В. И. Ленин халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ва жипслиги ҳамда халқаро ҳамкорлик ва пролетар интернационализми масалаларига ғоят катта эътибор берди, пролетар интернационализми принципларини конкретлаштирди.

Ленинизм таълимоти асосида жаҳон миқёсида социалистик жамиятнинг вужудга келиш жараёни, миллион-миллион меҳнаткашлар асрий зулмни ўз бошидан улоқтириб ташлаётганлиги, капитализм ҳукмрон бўлган дунёни ўзгартириш ва уни янгидан қуриш ҳамда келажак авлоднинг тинч ва фаровон яшашини таъминлаш — ҳозирги даврнинг асосий мазмунини ташкил этади. Дунёни тубдан ўзгартирувчи бу жараён марксизм-ленинизм ғоялари байроғи остида кураш олиб бораётган халқаро коммунистик ҳаракатнинг авангардлигида амалга ошмоқда.

Ишчилар синфи ва бошқа эксплуатация қилинувчи меҳнаткашлар революцион курашлари муваффақиятининг гарови — халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигидадир. Пролетар партияларининг интернационал бирлигини таъминлаш ғояси мустақил ишчилар ҳаракатининг пайдо бўлиши билан келиб чиқди. Уни жаҳон тарихида биринчи марта пролетариатнинг улуғ доҳийлари К. Маркс ва Ф. Энгельс илмий назарий жиҳатдан асослаб бердилар. Улар халқаро ишчилар бирдамлигини мустаҳкамлаш зарурлигини доимо уқтириб келдилар. К. Маркс ва Ф. Энгельс сингари В. И. Ленин ҳам кўплаб чет мамлакатларнинг ишчилар синфи ва уларнинг революцион партиялари билан ҳамкорликда бўлди. Владимир Ильич асосий эътиборни коммунистик ҳаракатнинг ички бирлигини мустаҳкамлашга қаратиш билан бирга барча революцион кучларнинг интернационал бирлиги учун ҳам изчил кураш олиб борди.

Ишчилар ҳаракатида бирлик, — бу тарихий заруриятдир ва коммунистик ҳаракатнинг асосий принципидир. Лекин бу нарса курашсиз, ўз-ўзидан амалга ошмайди. Буни амалга ошириш учун эса турли миллат ишчиларининг ягона ташкилот бўлиб бирлашуви катта роль ўйнайди ёки В. И. Ленин таъкидлаганидек, **«Турли миллат ишчилари... бир бутун ташкилот қилиб бирлаштирилгандагина пролетариат халқаро капиталга ҳамда буржуа миллатчилигига қарши ғолибона кураш олиб бориш имкониятига эга бўлади».** В. И. Ленин ўзининг Октябрь революциясига қадар ёзган, жумладан «Биринчи май», «Думадаги фракциямизнинг декларацияси тўғрисида», «Ишчиларни нозиклашган миллатчилик билан бузиш», «Социалистик интернационалнинг аҳволи ҳамда вазифалари» «РСДРП чет эл секцияларнинг конференцияси» мақолалари, шунингдек, миллий масалага бағишланган ва бошқа қатор асарларида революцион ҳаракатнинг бирлиги ва уюшқоқлиги масаласини атрофлича анализ қилиб берди.

Ҳозирги замон коммунистик ҳаракатининг интернационал бирлигига асос солган III Коммунистик Интернационалнинг В. И. Ленин раҳбарлигида ташкил этилганлигига 65 йилдан ошди. У гарчи ўз олдига қўйган вазифаларни — ёш коммунистик партияларни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан вояга етказиб мустаҳкамлаш, II Интернационал лидерларининг хиёнати оқибатида келтирилган жиддий зиёнларни бартараф қилиш, ишчилар ҳаракатининг халқаро характерини ва унинг революцион мазмунини тиклаш, янги тарихий шароитда революцион курашнинг аниқ ва равшан йўлларини кўрсатиш, оммани социалистик революцияга тайёрлаш ва сафарбар этишдек вазифаларни бажариб, 1943 йилда вазият тақозоси билан тарқатилган бўлса-да, лекин ўша оғир йилларда орттирилган тажриба ҳамон актуал аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда ва қардош коммунистик партияларда катта қизиқиш туғдирмоқда.

К. Маркс ва Ф. Энгельс каби В. И. Ленин ҳам ишчилар партиялари халқаро иттифоқининг бош шарти ва муҳим асоси аввало уларнинг марксизм ва пролетар интернационализми заминидаги ғоявий бирлиги деб ҳисобларди. Революционерларнинг ҳақиқий бирлашувларида ғоявий умумийликнинг муҳим аҳамиятини таъкидлади. Шу сабабли В. И. Ленин ишчилар ҳаракатида доимо юксак ғоявий уюшқоқлик ва онглиликни тарғиб қилиб келди. **«Фақат онгли ва уюшган пролетариатгина халққа сохта эмас, балки, чинакам озодликни олиб беришга қодир. Фақат онгли ва уюшган пролетариатгина халқни алдаш, унинг ҳуқуқларини қирқиб қўйиш, уни буржуазия қўлида оддий қурол қилиб қўйиш учун қилинаётган ҳар қандай ҳаракатга зарба беришга қодир»,** деб ёзган эди В. И. Ленин.

Бинобарин, тарихий давр ҳақиқатан қардош коммунистик партияларнинг чинакам интернационал жипслигини фақат уларнинг ғоявий бирлиги асосида таъминлаш мумкин эканлигини исботлади. Агар ғоявий умумийлик бўлмаса, коммунизм халқаро ҳаракат бўлаолмас ёки хусусий миллий вазифаларни ҳал қилувчи ва турлича ҳаракат қилувчи партияларнинг шаклсиз йиғиндисидан иборат бўлур эди. В. И. Ленин пролетариат партияларини интернационал бирлаштириш йўлида жуда катта ишларни амалга оширди. Ленин учун янги III Коммунистик Интернационал фаолияти ва ёш компартияларнинг шаклланиши ҳамда расмийлашуви масалалари бир-биридан ажралмас, тубдан бир-бирига боғлиқ масалалар эди. Революцион партия ҳақидаги, жаҳон коммунистлари армиясининг миллий отрядлари ҳақидаги, ишчилар синфи диктатураси томонига пролетариатнинг онгли ва авангард қисмини жалб этиш ҳақидаги масалалар В. И. Ленин ва III Интернационал фаолиятидаги марказий масалалардан эди.

Социалистик революция ҳақидаги, ленинча назария янги типдаги партия ҳақидаги ленинча таълимот, большевизмнинг олиб борган кураш тактикаси коммунистик партиялар халқаро бирлигининг асосий замини бўлиб қолди.

Коммунистларнинг ғоявий бирлигини мустаҳкамлаш билан бирга В. И. Ленин уларнинг ҳам миллий, ҳам халқаро доирада ташкилий жиҳатдан жипслигини таъминлашда ҳам жуда катта тадбирларни амалга оширди. Партия ташкилотининг тузилиши, уларнинг доимо такомиллашиб ва мустаҳкамланиб бориши революционерлар ҳақиқий бирлигининг асосий шарти ҳисобланади. В. И. Ленин ҳақиқий бирликнинг фақат ягона ташкилот орқали амалга оширилишини барча революционер партияларнинг мустаҳкам ташкилий бирлиги буржуазия устидан ғалаба қозонишининг муҳим омили эканлигини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан илмий равишда исботлаб берди.

Ўз вақтида К. Маркс ва Ф. Энгельс коммунистик ҳаракат бирлиги ташкилий формаларини ва уни амалга ошириш методларининг доимо ўзгариб, такомиллашиб боришини кўрсатиб ўтган эдилар. Ташкилий жиҳатдан бирлашиш конкрет тарихий шароитдан, революцион кураш вазифаларидан ҳамда коммунистик ҳаракатнинг бутун жаҳонда ва алоҳида мамлакатлардаги мавқелардан келиб чиқади.

В. И. Ленин Коммунистик Интернационалнинг ташкилий жиҳатдан мустаҳкам, жипслашган, марказлашган, қатъий интизомли ва жанговар ташкилот бўлиши учун доимо курашиб келди. Янги типдаги пролетар партияси ҳақидаги таълимотга ва РКП(б)да тўпланган тажрибага асосланган В. И. Ленин революцион кучларни жипслаштириб ҳар бир мамлакатда ягона, марказлашган, қатъий интизомли коммунистик партияларни вужудга келтириш, қардош партияларнинг чинакам коммунистик ташкилотларга айланиши учун тинимсиз кураш олиб борди.

В. И. Ленин раҳбарлигида халқаро коммунистик ҳаракат бирлигининг ташкилий формалари тобора такомиллашиб борди. Коминтернинг II (1920 йил) ва III (1921 йил) Конгрессларида Лениннинг актив иштироки ва таклифи билан «Пролетар революциясида коммунистик партияларнинг роли тўғрисида ва «Коммунистик партияларнинг ташкилий тузилиши. Уларнинг иш методлари ва мазмуни» каби тезислар қабул қилинди.

Ленин Коммунистик партиялар ғоявий ва ташкилий бирлигини номигагина эълон қилмасдан, балки ўзларининг интернационал иттифоқларини биргаликдаги ҳаракатлари билан мустаҳкамлашлари учун доимо интилди. В. И. Ленин ва ленинчилар раҳнамолигида Коминтерн компартияларнинг коллектив фикри ва ижодий тажрибаларини умумлаштирувчи маркази бўлишдек ўз ролини муваффақият билан бажариб борди.

Империализм даврида барча мамлакатлар капиталистлари халқаро алоқаларининг мустаҳкамланиши ва синфий курашнинг янада интернационаллашуви муносабати билан ишчилар ҳаракати ва уларнинг революцион партиялари фаолиятини координация қилишнинг аҳамияти янада ошди. Шу сабабли ҳам барча мамлакатлар ишчиларининг қардошларча бирлиги илгари сурилди. Бу жиҳатдан В. И. Лениннинг «буржуа-демократларига қарама-қарши ўлароқ, биз барча халқларнинг қардошлиги шиорини эмас, балки барча халқлар ишчиларининг қардошлиги шиорини илгари сурамиз, чунки биз барча мамлакатларнинг буржуазиясига ишонмаймиз, уни душман деб биламиз» деган сўзлари айниқса характерлидир.

Лекин шу билан бирга В. И. Ленин энг тажрибали ва кучли пролетар отрядлари ҳам ёлғиз ўзлари империализмнинг қаршилигини енгиб ўтолмасликларини, социалистик революциянинг ғалабаси учун барча революцион кучларнинг бирлиги ва иттифоқи зарурлигини қайта-қайта кўрсатиб ва эслатиб ўтди. Шу сабабли пролетар партиялари «бутун меҳнаткашларни ва эксплуатация қилинувчиларни ўз сафига чақиради...» деб таълим берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Коммунистик Интернационалнинг фаолияти давомида ва ундан кейин ҳам коммунистларнинг халқаро миқёсда бирлигини таъминлаш иши осонлик билан кўчмади. Бу кураш коммунистларнинг интернационал бирлиги зарурлигини ва аҳамиятини чуқур ҳис қилувчи ҳақиқий марксистлар томонидан амалга ошириб келинмоқда. В. И. Ленин коммунистик ҳаракатнинг жипслигини таъминлаш учун декретбозлик қилиш ярамаслигини, уни амалга оширмоқ учун буржуазия ва оппортунизмга қарши тинимсиз ҳамда изчил кураш олиб бориш зарурлигини уқтиради.

Ўзининг марксистик партиялар стратегияси ва тактикаси бўйича гениал «Коммунизмда болаларча «сўллик» касаллиги» номли асарида В. И. Ленин ўша вақтда ёш коммунистик ҳаракатдаги «сўллик» илдизларини унинг социалистик революция учун хавфли эканлигини, догматик, сектантлик ва авантюристик қарашлар ва сиёсатни фош қилди, компартиялар бирлигини ҳамда уларнинг сафларида қатъий интизомнинг зарурлигини уқтирди.

Доҳиймиз В. И. Ленин интернационализм масалаларини ҳамиша диққат марказида тутди, унинг принципларини конкретлаштирди, халқаро пролетариатнинг синфий ҳамкорлиги масалаларининг ғоят актуаллиги ва аҳамиятини қайта-қайта таъкидлади. Жаҳон революцион ҳаракатининг ривожланишига ғоят катта аҳамият берган Ленин революция фақат ва асосан ҳар бир мамлакатнинг революцион курашидангина иборат бўлиб қолмасдан, балки у ҳукмрон синфларга қарши, помешчик, буржуа миллий зулмининг барча формаларига қарши аҳолининг барча эзилган ва норози бўлган синфлари, гуруҳлари, элементларининг, аввало пролетариатнинг ва унинг иттифоқчилари деҳқонларнинг, ярим пролетар оммасининг бир қатор курашларидан, ярим мустамлака халқларнинг қўзғолонларидан, турли демократик ҳаракатлардан ва оммавий курашнинг бошқа турларидан иборат бўлади, деб ёзган эди.

В. И. Ленин миллий-озодлик ҳаракатини халқаро ишчилар синфи империализмга қарши курашининг умумий оқимига қўшиш, унинг социализм кучлари билан бирлиги ва ўзаро ёрдами ҳақидаги қатор муҳим проблемаларни конкрет кўрсатиб, ғалаба қилган пролетариат ёрдами билан тараққиётда орқада қолган халқларни ривожланишнинг капиталистик босқичини четлаб, социализмга ўтиши мумкинлиги ғоясини асослаб берди. Ленин бирлашган ишчилар фронти, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи, ишчилар синфи билан барча мазлум халқлар меҳнаткашлари иттифоқини, милитаризм ва урушга қарши, тинчлик, демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар учун кураш проблемаларини даврнинг долзарб масалаларидан деб билди ва революционерлар диққатини шу актуал масалаларга қаратди. Лекин, деб таъкидлайди улуғ Ленин, баъзи масалаларда айрим компартияларнинг қарашлари турли хил бўлсада, бу нарса марксизмнинг принципиал қоидаларига қарши бўлмаслиги ва халқаро коммунистик ҳаракатда бўлинишга олиб келмаслиги даркор.

Баъзи коммунистлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг объектив сабабларини В. И. Ленин халқаро ишчилар ҳаракатининг тез ўсишида, иқтисодий ва сиёсий шароитларнинг турли хиллигида ҳамда буржуазия ва оппортунистларнинг коммунистик партиялар бирлигини бузиш учун ва ишчиларнинг йирик ташкилотларга бирлашувларига халақит бериш учун қилинган душманлик ҳаракатларида кўради. Аммо шуни айтиш керакки, ҳеч қандай объектив сабаблар қардош партиялар бирлигининг бузилишига олиб келмайди. Коммунистик ҳаракатнинг ичида унинг бўлиниши учун объектив асослар йўқдир.

В. И. Ленин тажрибаларни ва воқеаларнинг боришини сабр-тоқат билан ҳисобга олиб, умумий хулосалар чиқариш учун ёрдам берувчи ва қарама-қарши нуқтаи назарларни яқинлаштирувчи коллектив фикр алмашувини, баъзи мунозарали масалалар юзасидан ўртоқларча очиқ тортишувни, танқидни доимо қўллаб келди.

Халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ҳақидаги айрим келишмовчиликларни бартараф этиш ҳақидаги ленинча ғоялар коммунистик ва ишчи партиялар кенгашлари ҳужжатларида, КПСС ва бошқа қардош компартиялар съездлари ҳужжатларида янада ривожлантирилди.

Ҳозирги даврда компартиялар ўртасидаги алоқалар икки томонлама ва кўп томонлама учрашувларда, кенгашларда, назарий конференцияларда ҳамда бир-бирларининг съездларида иштирок этиш йўли билан амалга оширилмоқда.

В. И. Ленин халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати ютуқлар ва тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ҳар қандай қаршиликлар ва тўсқинликларга бардош бериб олға томон боравераверди, деб ўргатади. У буюк ишонч ва чуқур оптимизм билан эксплуатация қилинувчилар ғалаба қозонадилар, чунки ҳаёт улар томонда, ғалаба шуларники бўлади, келажак коммунистларникидир, деб таълим берди. Коммунистик ҳаракат ўз фаолияти давомида доимо сафларини кенгайтириб, омма орасида ўз таъсирини мустаҳкамлаб борди. Эндиликда жаҳонда 100 дан ортиқ коммунистик ва ишчи партиялар ҳаракат қилмоқдалар, улар сафларида 70 миллиондан ошиқ коммунистлар бор. Халқаро коммунистик ҳаракат барча революцион отрядлар иттифоқини таъминлайдиган ва бошқара оладиган замонимизнинг энг кучли, энг нуфузли, энг таъсирчан сиёсий кучи бўлиб қолди.

* * *

КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг кўпгина қардош коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарлари билан бўлган учрашувларида асосий курашдаги ғоявий муштаракликнинг таъкидланганлиги бунинг яққол исботидир. Ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаб ўтганидек: «биз инсониятнинг тинч келажаги ва тараққиёти учун курашда миллион-миллион синфдош қардошлар билан, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг кўп сонли отрядлари билан қўлни қўлга бериб бораётганимиз биз, совет коммунистларини астойдил қувонтиради. Пролетар интернационализми принципига бениҳоя садоқатли бўлган бизлар чет эллик ўртоқларимизнинг меҳнаткашлар манфаатлари ва ҳуқуқлари йўлидаги курашига қизғин хайрихоҳлик ва астойдил ҳурмат билан қараймиз ҳамда ўртамиздаги алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашни ўз бурчимиз деб биламиз».

**З. НУРИДДИНОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.**

**М. ЛАФАСОВ,**
**тарих фанлари кандидати, доцент.**



**«Тошкент» тепловоз депосининг механика устахоналари ишчилари ҳар бир иш жойида тежамкор бўлиш учун мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Суратда: илғор токарь А. Хатамов. У тепловозлар учун комплекс деталлар тайёрлайди. Бу деталлар биринчи тақдим этилишидаёқ қабул қилинмоқда. Пешқадам ишчи ўз зиммасидаги топшириқларини 1,5 баравар ошириб бажармоқда.**

**В. Сироткин фотоси.**

## ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети қонун лойиҳалари доимий комиссияси ўзининг 12 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида жамиятга зид, текинхўрлик билан кун кечираётган шахсларга қарши кураш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва Тошкент областининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари қандай чоралар кўраётганлигини муҳокама этди.

Комиссия областда ана шундай шахсларни аниқлаш, уларни ишга жойлаштириш ёки белгиланган жавобгарликка тортиш юзасидан муайян иш олиб бораётганлигини уқтириб ўтди. Бироқ бир қанча жойларда илгари текинхўрлик билан кун кечирган шахсларни ишга жойлаштириш ва меҳнат коллективларига биркитишга нисбатан расмиятчиликка йўл қўйилмоқда. Баъзи маҳаллий Советлар шу шахсларнинг меҳнати ва турмушини йўлга қўйиш, уларга ҳунар ўргатиш ва меҳнат коллективларига биркитиш юзасидан ўз вазифаларини бажармаётган корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига нисбатан муросасозлик қилмоқдалар.

Комиссия Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасига, шаҳардаги район ижроия комитетлари ички ишлар бўлимларига маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг бошқа бошқармалари ва бўлимлари билан биргаликда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда меҳнат билан топилмаган даромад ҳисобига яшаётган шахсларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишга оид ишларни кучайтиришни тавсия этди. Республика Ички ишлар ва Юстиция министрликларига жойлардаги ўз қарамоғида бўлган органларга текинхўрлик билан кун кечираётган шахсларни аниқлаш ва ишга жойлаштириш юзасидан зарур ёрдам бериш таклиф этилди.

(ЎзТАГ).

## ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент область Советининг 11 июнь куни бўлиб ўтган сессиясида халқ депутатлари маҳаллий Советларининг КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов доклад қилди.

Депутатлар умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳотининг асосий йўналишларини рўёбга чиқариш тадбирларини ва бошқа бир қанча масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. (ЎзТАГ).

## СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ АҚШ, БУЮК БРИТАНИЯ ВА ФРАНЦИЯ ҲУКУМАТЛАРИГА БАЁНОТИ

11 июнь куни СССР Ташқи ишлар министрлигида Буюк Британиянинг СССРдаги элчисига қуйидаги баёнот топширилди:

«Шу йил 14—17 июнь кунлари Европа ҳамжамиятида қатнашувчи давлатларда «Европа парламенти»га навбатдаги сайлов ўтказилади. Бу сайловга Ғарбий Берлинни ҳам қўшиш планлаштирилмоқда. Ғарбий Берлин вакиллари «Европа парламенти»га Германия Федератив Республикасидан сайланган депутатлар жумласига кириши ва улар билан бир хил ҳуқуқларга эга бўлиши назарда тутилмоқда.

Совет томони Ғарбий Берлинни бамисоли ГФРнинг таркибий қисми тариқасида Ғарбий Европа мамлакатларининг давлат-сиёсий интеграцияси жараёнига қўшиш йўлидаги уринишлар бу шаҳарнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий ҳолатига мувофиқ эмаслигига Буюк Британия ҳукуматининг эътиборини яна бир бор қаратишни истайди. Ғарбий Берлин ГФРга қарашли эмас ва унинг томонидан бошқарилмайди. Европа ҳамжамиятининг ваколати унга жорий этилмайди ва жорий этилиши мумкин эмас.

Ғарбий Берлиннинг «Европа парламенти»га сайловда қатнашиши 1971 йил 3 сентябрдаги тўрт томонлама битимни қўпол равишда бузишни билдирган бўлур эди, томонларнинг битим амал қиладиган райондаги мавжуд аҳволни бир томонлама тарзда ўзгартирмаслик тўғрисида шу битимга ёзиб қўйилган мажбуриятларга зид келур эди.

Совет томони ўзининг бу мурожаатига Буюк Британия ҳукумати лозим даражада эътибор билан қарашидан ҳамда тўрт томонлама битимни юқорида айтилганидек бузишга йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўришидан умидвордир, бундай бузиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар учун бутун жавобгарлик батамом Ғарб томонининг зиммасига тушган бўлур эди».

Шу мазмундаги баёнотлар Франция элчисига ва АҚШнинг Москвадаги элчихонаси маслаҳатчи-элчиси вазифасини ижро этувчига ҳам топширилди.

АБИТУРИЕНТ—84

## ИМТИҲОН, ИМТИЁЗ ВА КОНКУРС

**Студент бўлиш, олий маълумот олиб, муайян ихтисосни пухта эгаллаш орзусидаги ёшлар учун ҳаяжонли ва масъулиятли дамлар, ҳал қилувчи кунлар яқинлашмоқда. Икки ойчадан кейин университет ва институтларимизда кириш имтиҳонлари бошланади.**

**Партия ва ҳукуматимизнинг мактаб ислоҳотига оид ҳужжатлари талаблари асосида бу йилги қабул қоидаларига баъзи ўзгартишлар киритилган. Шу хусусда республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг олий таълим бўйича ўқув-методика бошқармаси бошлиғи С. Ибодуллаев ҳамда Маориф министрлигининг олий ва ўрта педагогика ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи С. Зияевлар фикрини олдик.**

**Мухбир:** Мутахассислик абитуриентликдан бошланади, дейишади...

**С. Ибодуллаев:** Бу гапда жон бор. Бинобарин, халқ хўжалигимизнинг маълум тармоқ ёки регион ва иқтисодий районлар миқёсида малакали кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш кўп жиҳатдан студентлар сафини тўлдирадиган йигит-қизлар билими даражаси, уларнинг касбни тўғри танлай билишига боғлиқ. Олий ўқув юртлари ана шуни эътиборга олиб қабул кампаниясига бу йил ҳам жуда пухта тайёргарлик кўрдилар.

**С. Зияев:** Бунга жумладан педагогика институтларимизда амалга оширилган ишларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Касб танлаш юзасидан жойларда олиб борилган ишлардан ташқари мактабда ўқитиладиган фанлар бўйича ўқувчилар олимпиадаларини ташкил этиш ва ўтказишда актив қатнашиш, етакчи профессор-ўқитувчиларимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларда ўнинчи синфни битираётган йигит-қизлар билан учрашувлари бошқа тадбирлар билан биргаликда бўлғуси педагогларни аниқлашда яхши самара бермоқда.

**С. Ибодуллаев:** Айтилганларга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, қабул комиссияларининг раислари билан масъул котиблари, шунингдек, предмет комиссиялари раислари ҳамда ўқув ишлари бўйича проректорлар иштирокида Тошкентда олий ўқув юртларининг зонал кенгашини ўтказдик. (Маориф министрлиги билан ҳамкорликда бошланган бу иш Фарғона ва Самарқандда ҳам давом эттирилди: уларда ҳам шундай кенгашлар бўлди). Унда қабул қоидаларидаги янгилик ва ўзгаришлар, кўпчиликни қизиқтираётган айрим проблемалар ҳақида муфассал сўз юритилди. Шу ўринда олий мактабга ҳужжат топширишда ҳам баъзи енгилликлар яратилганлигини эслатиб ўтиш лозим. Чунончи, абитуриент энди қабул комиссиясига меҳнат дафтарчасининг ўзини эмас, балки ундан кўчирма нусха топширади. Кўчирмани шу ернинг ўзида, институт ёки университет факультети муҳри билан тасдиқлаб беришади. Соғлиқ ҳақидаги ҳужжатга келсак, бу йилча янги 086/У, у билан бир қаторда илгариги 286-формадаги медицина справкаси ҳам ярайверади деб белгилаб қўйилди.

**Мухбир:** Ўрта маълумот ҳажмида пухта билим эгаллаган, ишлаб чиқариш ва армияда чиниққан, меҳнатсевар, хушахлоқ ёшларнинг ўқишга қабул қилиниши пировардида олий мактабда мутахассислар тайёрлаш сифатига жуда катта таъсир этади. Қабул қоидаларидаги янгиликлар йўналиши ҳам кўпроқ шунга қаратилган бўлса керак-а?

**С. Ибодуллаев:** Шубҳасиз. Аввало бир нарсани — ўрта маълумотга оид ҳужжатдаги баҳоларнинг ўртача бали энди конкурс чоғида ҳисобга олинмайдиган бўлганлигини эслатиб ўтмоқчиман. Конкурс одатдагидек кириш имтиҳонларида абитуриентлар олган баҳо асосида ўтказилади. Илгаригидек ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль, ўрта махсус, ҳунар-техника билим юрти ёки техникумни имтиёзли диплом билан тугатган ёшлар танлаган ихтисосларига хос фандан битта имтиҳон топширадилар. «Аъло» баҳо олишса, қолганларидан озод қилинади. Йўқса, бошқа имтиҳонларни ҳам тўлиқ топширадилар. Шуни унутмаслик керакки, бундай абитуриентлар танқис ихтисосликлар бўйича институтларга имтиҳонсиз қабул қилиниши мумкин. Тошкент Политехника ва Темир йўл транспорти инженерлари институтларидаги кон-металлургия, нефть-газ қазиб олиш, темир йўл транспорти ва халқ хўжалигининг бошқа баъзи муҳим тармоқлари мутахассисликлари шулар жумласига киради.

Ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатда нуқул «аъло» ва «яхши» баҳолари бўлган абитуриентларга баъзи имтиёзлар берилади. Олий ўқув юрти томонидан белгиланган ихтисосликни, жумладан Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтида автомобиль йўллари ихтисосини танлаганлар иккита имтиҳонда тўққиз балл олсалар, қолганларидан озод қилинадилар. Танқис ихтисосликларда эса бу кўрсаткич 8 балл бўлишига рухсат этилган.

Илгариги йиллардагидек конкурс чоғида баҳолар тенг келиб қолганда қабул комиссияси абитуриентларнинг ўрта мактабда олган мақтов қоғозларини, танлаган ихтисоси бўйича олимпиада, конкурс ва кўрикларда қай тариқа қатнашганлигини ҳам инобатга олади. Камида икки йиллик стажи бор ёшлар, шунингдек, ҳарбий қисмлар томонидан тавсияси бўлган, запасга бўшатилган жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари конкурсдан ташқари қабул қилинади.

Олий таълимнинг кечки ва сиртқи формаси кейинги йилларда мутахассислар тайёрлашнинг синалган, ишончли усулларидан бўлиб қолди. Шу сабабли янги ўқув йилида ҳам уларни янада кенгайтириш тадбирлари белгиланмоқда. Кечки ўқишга яна учта, сиртқисига эса тўққизта янги ихтисос қўшилганлигини айтиш кифоя.

**Мухбир:** Ўқитувчи кадрлар тайёрлашни анча яхшилашга халқ маорифи системасини ислоҳ қилишнинг ажралмас қисми сифатида қараш лозим. Партия-ҳукуматимизнинг истиқбол ҳақидаги ғамхўрлик билан йўғрилган бу кўрсатмасини амалга ошириш юзасидан қандай чоралар кўрилмоқда?

**С. Зияев:** Келгусида ўқитувчи бўлиб етишадиган талабаларга энг замонавий билимларни ўргатиш, уларни амалий жиҳатдан яхши тайёрлаш учун педагогика институтларининг ўқув планлари билан программалари қайта ишланмоқда, таълимнинг беш йиллик муддатига ўтиш тадориги кўрилмоқда. Болалар билан ишлашга иштиёқи, лаёқати бўлган ёшларни танлаб олиш студентлар қабул қилишда бу йил ва умуман яқин келажакдаги давр учун асосий мезон бўлиб қолади. Désinstitutларга йигитлардан ҳам кўпроқ қабул қилинишига эришиш давр тақозоси бўлиб қолди.

Ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими мастерлари ва тарбиячилар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Эндиликда мактаблар, ўрта ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртлари педагогика Советлари, шунингдек халқ маорифи органлари, меҳнат коллективлари, комсомол ва касаба союз комитетлари тавсия қилган абитуриентлар ўқишга биринчи навбатда қабул қилинадиган бўлди. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, 4—8-синфларнинг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчилари, жисмоний тарбия, чизмачилик ва расм, музика муаллимлари педагогика билим юртларини тугатган ва шу соҳада камида бир йил ишлаган бўлсалар, халқ маорифи органлари йўлланмаси билан ўша ихтисослари бўйича ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда педагогика институтларига ўқишга суҳбатлашиш йўли билан қабул қилинадилар. Кундузги бўлимда қисқартирилган, уч йиллик курслар кўпайтирилади.

Айни чоғда педагогларни икки ихтисосли, айтайлик она тили ва адабиёти муаллими рус тили ва адабиётидан, куни узайтирилган мактаблар тарбиячиси бошланғич таълимдан, биология ўқитувчиси географиядан дарс бериш ҳуқуқини оладиган қилиб тайёрлаш ҳам кенг йўлга қўйилади.

Бу йил бизнинг министрлик қарамоғидаги институтларга 14300 студент қабул қилинади. Шу ўринда қардош РСФСР ва Украинада ўқитувчилар тайёрлашда республикамизга жуда катта ёрдам бераётганликларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу йил шу йўл билан ўқитувчилар тайёрлаш икки марта кўпаяди. Волгоград, Горький, Тамбов, Владимир, Киров, Полтава ва Балашов шаҳарларидаги педагогика институтлари ҳам янги ўқув йилидан эътиборан биринчи марта республикамиздан борган йигит-қизларни ўз бағрига олади. Ўрта Осиёдаги қўшни республикалар ҳамда Қозоғистон педагогика институтларига кооперация йўли билан Ўзбекистондан 200 га яқин студент қабул қилинади. Бизга ҳам улардан шунгача йигит-қиз келиб ўқийди.

**С. Ибодуллаев:** Умуман республикамиздан марказий шаҳарларга, педагогика институтларини истисно қилганда, 750 йигит-қиз бориб ўқийди. Малакали мутахассислар тайёрлашимизда Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Бауман номидаги Москва Олий техника билим юрти ва бошқа етакчи институтларнинг хизмати катта.

Бир сўз билан айтганда, ўқийман, касб-ихтисос ўрганаман деган ёшларга бизда ҳамма шароит яратилган. Ўртоқ К. У. Черненко комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгашида «...сизлар мустақил меҳнат ҳаётига қадам қўйиш пайтида илгари мисли кўрилмаган имкониятларга эга бўлган совет кишилари авлодига мансубсизлар», — деб таъкидлади. Бу гап абитуриентларга ҳам тўла тааллуқлидир.

**Суҳбатни Р. ҚОСИМОВ ёзиб олди.**

